2012 йил 13 июнь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (12.177)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июнь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва АҚШнинг кўп қиррали ҳамкорлиги жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Уильям Бернс, ўз навбатида, Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Батафсил суҳбат чоғида ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, икки томонлама муносабатларга оид энг долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил давомида томонлар ўзаро конструктив ҳамкорлик борасида салмоқли тажриба тўплагани таъкидланди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантириш имконини берадиган кенг қамровли ҳуқуқий асоси яратилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги мунтазам алоқалар, кенгайиб бораётган парламентлараро, давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўртасидаги кўп томонлама мулоқотлар ўзаро муносабатларни комплекс тарзда равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШ сармояси иштирокида тузилган 240 корхона фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг 48 етакчи компанияси ваколатхоналари мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган. Учрашувда томонлар АҚШнинг қатор етакчи корпорацияларининг Ўзбекистон бозоридаги самарали фаолияти натижасида тўпланган тажрибага таянган ҳолда, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



***Ўзбекистон мустақиллик йилларида дунё тўқимачилик ҳамжамиятига қатъий ишонч билан кириб борди. Бундай муваффақиятларга эришишнинг асосий омили маҳаллий ва чет эл инвестицияларининг жалб этилиши ҳамда улар асосида замонавий ускуналар билан жиҳозланган, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги корхоналарнинг ташкил этилишидир.***

## ЎЗБЕКИСТОН НАНСИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА

***Яқинда Франциянинг Нанси шаҳрида халқ бадиий ҳунармандчилигининг анъанавий 78-Халқаро кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Франциянинг энг йирик маданий тадбирларидан бири саналадиган мазкур кўргазма-ярмарка мавзуи бу гал «Буюк Ипак йўли»га бағишланганини унинг ўзига хос жиҳати бўлди.***

Жорий йили ушбу халқаро анжуман боис Нанси шаҳри дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан келган ҳунар аҳлини, шу жумладан, Ўзбекистон вакилларини ҳам ўз атрофига тўплади. Ташкилотчилар тақдим этган маълумотда қайд этилишича, кўргазмани 150 минг нафардан ортиқ киши келиб кўрди.

Мамлакатимиз мазкур ярмарка ишида илк маротаба иштирок этаётган бўлишига қарамай, унда намойиш этилган, қўли гул ўзбек усталари томонидан яратилган халқ амалий санъати буюмлари тадбир қатнашчилари ва фахрий меҳмонларининг таҳсинига сазовор бўлди.

Ўзбекистон бўлмасига келган тадбир иштирокчилари ва кўп сонли меҳмонлар ёғоч ҳамда матодан тайёрланган ранг-баранг халқ амалий санъати маҳсулотлари, юртимизнинг тарихий шаҳарлари ва улар бағрида жойлашган меъморий обидалар акс этган суратлар билан танишганлари баробарида ўзбек халқи маданиятининг нақадар бетакрор ва ранг-баранглигига гувоҳ бўлдилар. Шу ўринда дўппи, тўн сингари турли либослар ҳамда ранг-баранг, сержило сўзана ва гиламлардан иборат қадим Шаҳрисабз маҳсулотлари тадбир меҳмонларида алоҳида қизиқиш уйғотганини қайд этиш жоиздир.

*(Давоми 2-бетда)*

**Анжуманлар**

## ЕНГИЛ САНОАТ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекенгилсаноат» компанияси томонидан «Енгил саноат корхоналарини техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилган ишлар, экспорт сиёсатини такомиллаштиришда устувор вазифалар тўғрисида» мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам ана шулар ҳақида сўз борди.

Юртимизда кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари йилдан йилга ортиб, кенг ассортиментда калава ип ва газлама, тикувчилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ҳамда пайпоқ буюмлари ишлаб чиқаради.

Компания 2012 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишини ҳукумат томонидан тасдиқланган дастурларни бажаришга қаратиб келмоқда. Анжуман давомида ишлаётган корхоналарни қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, пахта толасини қайта ишлашни кўпайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, ички бозорни тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, тўқимачилик машинасозлигини тиклаш, юқори технологияли янги корхоналар ташкил этиш тармоқни ривожлантиришнинг асосий йўналиши эканлиги таъкидланди.

— Бугунги анжуман долзарб масалага бағишланган бўлиб, енгил саноат тараққиётини, умуман, республикадаги енгил саноат салоҳиятини оширишга қаратилган ишлардан бири дейиш мумкин, — дейди «Ўзбекенгилсаноат» ДАК компанияси техника сиёсати ва истиқболни белгилаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аваз Муҳитдинов. — Янги, замонавий талабларга жавоб берадиган техникаларни ўрнатиш – бу енгил саноатнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунга катта эътибор қаратилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

**Қарор ва ижро**

## БАНКЛАРИМИЗНИНГ НУФУЗИ ОРТМОҚДА

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасида «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда «барқарор» рейтинг даражасини бераётгани, мамлакатимизда бундай юксак баҳога сазовор бўлаётган банклар сони йилдан йилга ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.***

Мамлакатимизда банкларнинг капиталлашуви, барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар самарасида охирги беш йил давомида банк сектори капиталининг етарлилик даражаси Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда. Энг муҳими, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлиги ошишида муҳим омил бўлаётир.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро амалий конференцияда шулар хусусида сўз юритилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси раҳбарлари, «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги вакиллари ҳамда тижорат банкларининг мутахассислари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори банк амалиётига замонавий ахборот технологияларини фаол жалб қилиш ва белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда муҳим дастуруламал бўлаётир. Қарорга кўра, барча ҳудудларда қулай бизнес муҳитни шакллантириш, кичик бизнес субъектларига кредит ва микрокредитлар ажратиш, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Кўрилган бундай чора-тадбирлар туфайли банкларимизнинг ишончлилик даражаси ошиб, кредит ва инвестиция салоҳияти юксалмоқда. Бу эса уларнинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш, мавқеини мустаҳкамлаш имконини бераётир.

Ҳозир юртимиздаги 26 тижорат банки нуфузли халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосига сазовор бўлган. Шундан ўн биттаси «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг рейтинг баҳосига эга. Агентлик экспертлари томонидан молиявий инқироз шароитида Ўзбекистон банк тизими барқарорлиги билан ажралиб тургани, жумладан, банк капиталининг етарлилик даражаси юқорилиги ва молиялаштиришнинг асосий манбаи ички маблағлар эканлиги мамнуният билан таъкидланди.

Конференцияда таваккалчиликларни бошқариш услубияти, молиявий таваккалчиликларни тартибга солишдаги ташкилий масалалар, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартларга асосланган тижорат банклари фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг мутахассислари ва тижорат банкларининг вакиллари ўртасида банк-молия тизими барқарорлигини ошириш, банк соҳасини баҳолаш тизими ва ёндашувларни такомиллаштириш борасида фикр алмашилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида турли аъзолар саратонининг олдини олиш ва даволашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Фотосуратлар уйида монументалчи-мусаввир Улуғбек Болтабоевнинг рангтасвир ва графика асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий матбуот маркази билан ҳамкорликда «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш масалалари ва устувор вазифалар» мавзуида анжуман ўтказди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги лицейда психолог, маънавиятчилар иштирокида Мустаҳкам оила йилига бағишланган «Ёшлар Ватан ва миллат таянчи» мавзуидаги семинар ўтказилади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **«ЮРТИМ, СЕНГА ЖОНИМ ФИДО!» шиори остида Андижон вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган ёшлар фестивали ўтказилди.**

● **«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози – 2012» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида ташкил этилган кўргазмада иқтидорли ёшлар яратган амалий санъат асарлари, каштачилик, тикувчилик, наққошлик ва дурадгорлик буюмлари, архитектура лойиҳалари намойиш қилинди.**

● **Бухоро шаҳридаги қадимий Лабиҳовуз майдонида анъанавий XII «Ипак ва зираворлар» фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Бухоро минтақавий бўлими ва қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган «Ипак ва зираворлар» фестивалида мустақиллик шарофати билан қайта тикланган халқимизга хос эзгу анъана ва қадриятларимиз кенг намойиш этилди.**

● **Термиз шаҳридаги «Термиз агрохизматчи» масъулияти чекланган жамиятида шлакоблок ва йўлак қопламалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди. Ушбу лойиҳа молия муассасасининг 100 миллион сўмлик кредити эвазига рўёбга чиқарилди. Натижада маҳаллий ёшлардан 10 нафари доимий иш жойига эга бўлди.**

### ЖАҲОНДА

● **Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,86 долларга пасайганлиги қайд этилди.**

● **Япониянинг матбаачилик техника ва технологияларини ишлаб чиқарувчи «Топпан» компанияси радиоактив нурларни ўтказмайдиган қоғоз ихтиро қилди. Мазкур қоғоз таркибидаги вольфрам кимёвий элементи радиоактив нурларни қоғоздан ташқарига ўтказмайди. Ушбу янги ихтиро ёрдамида жуда қулай, нурланишдан ҳимояловчи мукаммал кийим-кечак ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин.**

● **Америкалик олимлар жисмоний имкониятлари чекланган инсонларга ёрдам бериш мақсадида беморни атрофдагиларнинг ёрдамисиз овқатлантира оладиган қурилма ихтиро қилдилар. «Ай-Крафт» номли роботлаштирилган мазкур технологияни бошқариш беморнинг кўз ҳаракатига биноан амалга оширилади. Айни вақтда, бундай фойдали қурилмаларни кенг ишлаб чиқариш устида иш олиб борилмоқда.**

● **Ҳиндистонда 90 нафар йўловчига мўлжалланган авиаёқилғини кам сарфлайдиган ва ҳавога зарарли газларни паст миқдорда чиқарадиган NCA-90 самолёти ишлаб чиқарилади. Мамлакат Илм-фан ва саноат тадқиқотлари бўйича кенгаши раҳбари Судип Кумарнинг айтишича, ушбу ҳаво транспорти соҳага оид энг замонавий электрон техника ва технологиялар билан жиҳозланади.**





Аскар Ёқубов (ЎзА) олган суратлар

# ЕНГИЛ САНОАТ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бундан ташқари тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва замонавий дастгоҳлар билан техник қайта жиҳозлаш ишлари доимий равишда олиб борилаётгани, чунончи, 2009-2011 йиллар давомида тармоқ корхоналарига 345,6 млн. доллар миқдорида инвестиция киритилган ва 72 та корхона ишга туширилганлиги айтиб ўтилди. 2012 йилда жами 20 дан ошиқ модернизация қилинган ва янги корхоналар ишга туширилади, ҳамда 2095 та янги иш ўринлари яратилади. Ишга туширилган корхоналар замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланади. Корхоналарнинг янги техника билан таъминланиши сифатли маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, янги иш ўринларини ташкил этиш имконини беради. Албатта, сифатли маҳсулотлар чет элга экспорт қилиш имконини яратади. Биз ҳозирги кунда маҳсулотларимизни жаҳон андозаларига мос келадиган ҳолда ишлаб чиқариб, 80 фоизга яқинини экспортга жўнатяпмиз. Ҳозирги кунда экспорт географиямиз кенгайгандан кенгайиб бормоқда. Жаҳоннинг 40 дан ошиқ мамлакатларига бизнинг маҳсулотларимиз экспорт қилинмоқда. Маҳсулотларимиз МДҲ давлатларидан ташқари Европа, Осиё, Африка, Америка, Бразилиягача етиб борди. Йилдан йилга янги бозорларни ўрганяпмиз, ўзлаштиряпмиз. Африка бозорларини ўрганиб, ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш режалаштирилган.

Айни пайтда маҳсулотларимизнинг 80 фоизи экспорт қилинса, 20 фоизи ички бозорга чиқарилади. Ҳозирги кунда ички бозорда маҳсулотларимизга талаб катта. Трикотаж кийимларидан ташқари, тикув кийимлари 70 дан ошиқ фирма-дўконларимиз орқали аҳолига етказиб берилмоқда. Кейинчалик аҳоли гавжум бўлган жойларда фирма-дўконларини ташкил этиб, истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги «Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида компания таркибидаги 64 та йирик корхонада техник аудит ўтказиш белгиланган. Айнан шу қарор юзасидан техник аудит ўтказилиши натижасида 21 916 та дастгоҳнинг техник ҳолати ўрганилган бўлиб, ишга яроқли 20 252 та ёки 92,4 фоиз дастгоҳ аниқланди. Бундан ташқари алмаштириш заруряти мавжуд дастгоҳлар 989 тани ташкил этган, 675 та дастгоҳнинг ёки 3,1 фоизининг ишга яроқсизлиги маълум бўлган.

Анжуман давомида техник аудит натижалари бўйича ишга яроқсиз ва алмаштириш зарурияти бўлган дастгоҳларни янгилаш мақсадида 2012-2014 йилларда бу дастгоҳларни янги замонавий ва жаҳон даражасида муваффақиятли синаб кўрилган технологик дастгоҳларга алмаштириш бўйича махсус жадвал ишлаб чиқилгани, унга биноан 2012-2014 йилларда 711 та тўқув, йигирув, тикув дастгоҳлари ёки жами 13,4 млн. доллар миқдорида бўлган янги замонавий дастгоҳларга алмаштирилиши ҳақида маълумотлар берилди.

Анжуман қатнашчиларига «Ўзбекенгилсаноат» ДАК мутасадди вакиллари томонидан маҳсулот экспорти 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1,7 бароборга ошгани, январь-апрель ойларида 210,5 млн.долларлик маҳсулот экспорт қилингани, ҳозирги кунда компаниянинг 180 та корхонаси ёки 70 фоизи ўз маҳсулотларини экспорт қилаётгани ва бошқа кўплаб масалалар ҳақида маълумотлар берилди.

Матбуот анжуманида ташриф буюрганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН НАНСИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон бўлмасига келганларнинг аксарияти юртимизга бориш, Самарқанд ва Бухородаги меъморий обидаларнинг жозибадорлигини ўз кўзлари билан кўриш, шунингдек, халқимизнинг бой ва ўзига хос анъаналаридан баҳраманд бўлиш истагини билдиришди. Ўз-ўзидан аёнки, бу уларда катта таассурот қолдирганидан далолат беради.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **Халқаро ярмарка президенти Э.Летьер** мазкур маданий тадбирнинг муваффақиятли ўтказилишига алоҳида муҳитни бахш этган ўзбек ҳунармандларининг маҳоратига юқори баҳо берди. «Бугун мен мамлакатингизда бетакрор асарлар яратадиган ва улар бизда доимо катта қизиқиш уйғотадиган ҳамда Европа бозорида рақобатбардош бўлган ажойиб, қўли гул ҳунармандлар яшаб, ижод қилаётганига амин бўлдим», деди у.

Ўз навбатида, **Халқаро ярмарка директори Ж.Локтин** Ўзбекистоннинг минтақадаги маданий ва маънавий марказ сифатида тутган ўрнини алоҳида қайд этди. Кўргазмадан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, у Ўзбекистон бўлмаси ярмарка меҳмонларида улкан завқ-шавқ уйғотганини таъкидлади.

«Ўзбекистон вакиллари ярмаркамизнинг доимий қатнашчиларига айланишига чин дилдан умид қиламиз, деди у. Ишонтириб айтишим мумкинки, ўзбек ҳунармандларининг ишлари — мамлакатингиз халқ амалий санъати буюмлари бизда унутилмас таассуротлар қолдирди. Шунинг учун ҳам Францияда ўзбек маданиятини оммалаштиришга кўмаклашаётганимиздан мамнунмиз. Бугун биз Ўзбекистонда маданият ва маънавиятнинг муҳим омили бўлмиш халқ ижодиётига, жумладан, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига комил ишонч ҳосил қилдик».

Ўзбекистоннинг Нанси Халқаро ярмаркасидаги иштироки маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг эътиборидан четда қолмади. Жумладан, Лотарингия минтақасида чоп этиладиган етакчи нашр — «L`Est Republicain» газетаси саҳифаларида Ўзбекистонга бағишланган махсус мақола эълон қилинди. Унда Шаҳрисабз шаҳридаги бадиий каштадўзлик фабрикасининг ташкил этилиши тарихи ҳақида ҳикоя қилинар экан, газетхонлар ўзбек ҳунармандчилигининг бой анъаналари ва мероси билан атрофлича таништирилган.

**«Жаҳон» АА**
**Париж**

Қонун ва ижро

# СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ — МАСАЛАНИНГ ОҚИЛОНА ЕЧИМИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бюджет ва солиқ соҳаларини эркинлаштириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.***

Бу солиқ тизими фаолиятининг янада очиқ ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда унификация қилиш, солиқ юкини сезиларли даражада енгиллаштиришга хизмат қилаётир. Айни вақтда фуқаролар ўз даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, қонуний даромадини кўпайтиришга, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришига асос бўлмоқда. Соҳада солиқ маслаҳати институтининг жорий этилгани бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ушбу институт орқали солиқ тўловчиларга солиққа оид масалалар ечимида малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

2012 йил 4 январда қабул қилинган «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилингани солиқ маслаҳати бўйича хизматлар бозорининг ривожланиши, солиқ қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар қатнашчиларининг қонуний манфаатларини таъминлаш борасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ҳозир мамлакатимизда ўттизга яқин солиқ маслаҳатчилари ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларда хизмат қилаётган ходимлар малакасини ошириш, ташкилотларга услубий ва амалий кўмак беришни ташкил этиш борасида Ўзбекистон солиқ маслаҳатчилари палатаси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес, тадбиркорлик ва бошқа хўжалик муносабатларининг жадал ривожи солиқ маслаҳати институти хизматларига бўлган талабни ошираётир. 2011 йили солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми юз миллион сўмдан ошгани ҳам шундан далолатдир. Бунда соҳани ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани, жумладан, солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини очишга қулай шароитлар яратиш мақсадида улар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йил бошида соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани солиқ маслаҳати хизмати сифатини янада ошириш имконини берди. Чунки бунгача солиқ маслаҳати хизмати фақат тегишли мутахассислар томонидан эмас, балки адвокатлик тузилмалари, аудиторлик ва консалтинг ташкилотлари, шунингдек, воситачи – жисмоний шахслар томонидан ҳам амалга оширилар эди. Уларнинг бу борадаги масъулияти, жавобгарлиги қонунларда акс этмагани эса хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатиши табиий эди. Эндиликда янги қонун асосида солиқ масалалари бўйича солиқ маслаҳатчиларидан бошқа касб эгалари кўрсатадиган хизматлар солиқ маслаҳати ҳисобланмаслиги аниқ белгилаб қўйилди.

Бу, ўз навбатида, солиқ маслаҳатчилари зиммасидаги масъулиятни оширади. Шу боис соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси ҳузуридаги махсус ўқув маркази фаолияти янада такомиллаштирилди. Эндиликда олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин камида беш йиллик, шу жумладан, иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга талабгорлар мазкур марказда тегишли дастур асосида зарур билимларни эгаллаганидан кейин малака имтиҳони топширади. Ундан муваффақиятли ўтганлар солиқ маслаҳатчиси сертификатини қўлга киритади.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Global-tax-consult» очиқ акциядорлик жамияти аҳолига солиқ маслаҳатлари хизматини кўрсатиб келмоқда. Кичик бизнес вакилларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш мазкур жамиятнинг доимий диққат-эътиборида.

– Ҳозирги пайтда ташкилотимизнинг юзга яқин доимий мижози бўлиб, уларнинг аксариятини кичик бизнес субъектлари ташкил этади, – дейди ЎзА мухбирига мазкур жамият раҳбари Жамолиддин Машарипов. – Уларни солиқ қонунчилигида бўлаётган ўзгариш ва янгиликлар билан яқиндан таништириш билан бирга, яратилаётган солиқ имтиёзларидан ўз ўрнида самарали фойдаланиш бўйича ҳам маслаҳатлар бермоқдамиз. Кўпчилик субъектларнинг фаолияти текширилаётган пайтда иштирок этиб, унинг қонуний асосда ўтишига ҳисса қўшаяпмиз.

Сир эмас, айрим тадбиркорлар қонунчиликни яхши билмаслиги, айниқса, солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланмаслиги ёки солиқларни нотўғри ҳисоблаши оқибатида муайян муаммоларга дуч келади. Бундай шароитда солиқ маслаҳати институти имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

«Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида солиқ маслаҳати ташкилотлари ҳуқуқлари янада кенгайтирилди. Хусусан, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг вакили сифатида солиқ низосини судгача ҳал қилиш давомида ва судда иштирок этиши мумкин. Бу нафақат соҳа вакилларига берилган имконият, айни пайтда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган яна бир қулайликдир.

Энди тадбиркор ўз фаолиятида суд билан боғлиқ ҳолатга дуч келса, адвокат ёллашига ҳожат қолмайди. Балки доимий ҳамкори бўлган солиқ маслаҳатчиси унинг ҳуқуқини ҳимоя қилади. Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Искандар Тоҳиров фаолиятида рўй берган воқеа бунга мисол бўла олади. Интернет орқали электрон тижоратни йўлга қўйган бу тадбиркор судга берилиб, унга солиқдан 13 миллион сўм қарздорлик юкланган. Бунга асос сифатида унинг рухсат берилмаган тадбиркорлик билан шуғулланганлари келтирилган. Ҳолбуки, айнан бундай тижорат қонунчиликда тақиқланмаганини судда солиқ маслаҳатчиси исботлаб берганидан сўнг тадбиркорга юкланган қарздорлик суд қарорига биноан бекор қилинди.

Мамлакатимизда ривож топаётган солиқ маслаҳати хизмати фуқаролар манфаатини кўзлаб фаолият юритмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилгани унинг янада тараққий этиши, пировардида, жамиятимизда солиқ маданияти тобора юксалиши, иқтисодиётимиз равнақига хизмат қилаётир.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

***Маълумки, жамиятимизнинг негизини оила ташкил этади. Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият демакдир. Шундай экан, Президентимиз томонидан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги қадриятларимиз томон қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.***

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга замин яратилди.

Бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг таъминланиши, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватланиши, зарур имтиёз ва афзалликлар берилиши фикримизнинг исботидир.

Эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрлик янада кучайтирилди. Уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга эътибор қаратиш каби инсонпарвар қадриятларимиз давлат дастурларидан жой олди.

«Соғлом она — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт бўлган ва турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга эътибор қаратилмоқда. Маълумки, ҳозирги пайтда гиёҳвандликнинг XXI аср вабоси деб талқин қилиниши — унинг инсоният учун ядро хавфидан кейинги ўринда турадиган энг жиддий хавф-хатар эканлигидан далолат беради. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, алкоголизм ва бошқа ёт унсурлар қандай ёмон оқибатларга олиб келиши жамиятнинг соғлом қисми учун кундай равшан. Гиёҳванд кимса аввало ўз соғлиғи ва руҳиятини ишдан чиқаради,моддий-молиявий аҳволини кескин ёмонлаштиради, оиласи ва яшаш жойида нотинчлик, уриш-жанжалларга сабаб бўлади, оиладаги муҳит, унинг фаровонлигига, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этади ва ҳатто янги гиёҳванд ва ичкиликбозларнинг пайдо бўлишига туртки бўлади. Гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфи унинг жиноятчиликка элтувчи энг қисқа йўл эканлиги билан ҳам ортиб боради.

Олмазор туман суд ижрочилари бўлимида ҳам «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби зарарли иллатларнинг оила муҳитига, ёш оилаларга ва келажак авлодга салбий таъсири, асоратларидан келиб чиқиб, бу борада аҳоли билимини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларда «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойил асосий ўринга қўйилган.

Жумладан, бўлимимиз томонидан маҳалла, коллеж, лицейларда бўлиб, «Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва турли зарарли иллатларнинг оила муҳитига ёш оилаларга ва келажак авлодга салбий таъсири» мавзусида давра суҳбатлари ва учрашувлар уюштириб келинмоқда. Худди шундай давра суҳбати яқинда туман ҳокимиятида маҳалла фаоллари ва мутасаддилар иштирокида ўтказилди.

**Нодир ХУДОЙНАЗАРОВ,**
**Олмазор тумани катта суд ижрочиси, 3-даражали юрист**

# ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

***«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жойларда қатор филиалларига эга. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» шохобчаси фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган.***

Шу боис унинг автомат телефон станцияларидан фойдаланаётган мижозлар сони ортиб бормоқда. Шу ўринда филиалда телефон алоқаси тизимининг бутунлай рақамли тармоққа ўтказилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Мижозлар учун яратилган қулайлик ва ўнлаб қўшимча хизмат турлари жорий этилди. Айни вақтда Интернет хизмати кўрсатиш кўлами янада кенгайди. Видеотелефон алоқаси татбиқ этилди.

Барча АТСлар оптик толали кабель билан тўлиқ таъминланганлиги корхонадаги ишлар сифатининг халқаро талаблар даражасига етишига сабаб бўлди.

Бу ва шунга ўхшаш муваффақиятларга эришганлиги учун «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси халқаро сифат сертификатини қўлга киритишга муяссар бўлди.

Корхонага сифат сертификатининг берилиши жамоани шу номга муносиб равишда хизматни янада яхшироқ ташкил этишга руҳлантириб юборди.

**Дурдона МИРҲАЙДАРОВА**

Алоқа

# ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРГА ЭЪТИБОР

***Мамлакатимизда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнлари самарали кечмоқда. Биргина Тошкент Ахборот технологиялари университетида жорий этилаётган лойиҳалар учун 59 миллион сўмлик маблағ ажратилди.***

Шуниси эътиборлики, бу борада соҳадаги касб-ҳунар коллежлари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Билим юртлари моддий-техника негизини мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилган лойиҳаларга тажрибали ўқитувчилар жалб этилди.

Йил охиригача яна 10 дан ортиқ инновацион лойиҳа ўз ечимини топади.

# СТАНЦИЯЛАР БЕТЎХТОВ ИШЛАЙДИ

***«Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонаси радиотелевизион станцияларни бетўхтов электроэнергия билан таъминлаш йўлида изланишлар олиб бормоқда. Бу борада эришилаётган ютуқлар сарҳисоб қилинди.***

Электр таъминоти тизимини эксплуатация қилишга доир режалар ҳам ўз вақтида адо этилмоқда. Давлат унитар корхонаси зиммасига электр таъминоти бўйича яна қатор вазифалар юкланди.

# МУЗЕЙГА МАХСУС МУКОФОТ

***Музейларни қўллаб-қувватлаш борасида Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан эълон қилинган кўрик-танловга якун ясалди.***

«Музей — халқ тарихининг кўзгуси» деб номланган ушбу беллашувда алоқа тарихи музейи ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Томошабинлар эътиборини ўзига тортиб келаётган музей сифатида мазкур ташкилот махсус рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

**Акбар АЛИЕВ**

*«Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор — инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди».*

***Ислом КАРИМОВ***

"ASAKA" DAVLAT AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI (OAJ)
AVTOTRANSPORT FILIALI

# «АСАКА» БАНК — КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИДА МАДАДКОР

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улкан салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда тижорат банклари томонидан уларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самараларини бермоқда.***

«Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳар филиали томонидан хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилаш борасида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

«Асака»банк Тошкент шаҳар филиалида турли соҳаларга мансуб ташкилот ва корхоналар, жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар банк мижозлари ҳисобланиб, улар 1802 тани ташкил этади.

2012 йил 1 май ҳолатига кўра банк филиали жами кредит қўйилмалари қолдиғи 74,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Жорий йилда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имконият ва имтиёзларни тушунтириш мақсадида тадбиркорлар иштирокида мунтазам равишда семинарлар, давра суҳбатлари ва амалий учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда ўз бизнес режалари билан қатнашган тадбиркорлар банк томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи «Сертификат» билан тақдирландилар, булар «BOGISTON NON» МЧЖ ХК ҳамда «MITEGA» МЧЖ корхоналаридир.

Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфи жадал шаклланаётган, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар юзага келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган энг асосий муаммолардан бири, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бошланғич капитални, яъни дастлабки молиявий сармоянинг етарли эмаслигидир. 2012 йил давомида Банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 19,1 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 6 нафардан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

«Асака» банк филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 26 январдаги Қарорига асосан 10 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан филиал томонидан тадбиркор аёллар иш фаолиятини ривожлантириш мақсадида 520 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Банк томонидан барча тоифадаги мижозларга, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратиш сиёсати муҳим устувор вазифалардан саналади. Тошкент шаҳар филиали жамоаси мазкур соҳанинг ривожи иқтисодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши англаган ҳолда фаолиятини йўлга қўйган. Истиқболдаги тараққиётни белгилаб олишда масалани шу томонини назардан қочирмаслик жуда муҳимдир.

Филиал ресурс базасини кенгайтириш, жалб этилган пул маблағларини асосан иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ва янги технологияларни сотиб олишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга сафарбар қилиш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда 6 турдаги янги омонатлар жорий этилди. Ҳозирда аҳолига 73 турдаги миллий ва хорижий валютада омонатлар таклиф этилмоқда. Аҳоли омонатлари қолдиғи 2012 йил 1 майга келиб 39,6 миллиард сўмни ташкил қилди.

Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириб бориш мақсадида ҳозирги вақтда филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига савдо терминалларини ўрнатишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Филиал томонидан 95352 дона сўм пластик карталари муомалага чиқарилди.

Филиал сўм пластик карточкаларни муомалага чиқаришни бошлагандан буён корхона ва ташкилотлар билан иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича фаол ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунга келиб банк томонидан жами 596 та корхона ва ташкилотларда иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 72,5 мингдан зиёд ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Пластик карталар орқали ўтказилган транзакциялар миқдори жорий йилнинг 4 ойида 30,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу эса Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи аҳолининг «Асака» банк пластик карточкаларига бўлган ишончининг янада ортаётганлигидан далолат бермоқда.

Шу билан биргаликда, кўп хизмат сафарларига чиқадиган тадбиркорлар, фирма ва корхоналар раҳбарларига банк хизматларидан фойдаланишда янада қулайликлар яратиш мақсадида банк томонидан корпоратив пластик карталар жорий этилган бўлиб, ушбу хизматдан ҳозирги кунда 250 та банк мижозлари фойдаланмоқда.

Филиал томонидан бугунги кунга қадар Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият кўрсатаётган мижозларга жами 499 та ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. Бундан ташқари филиал томонидан мижозларга берилган савдо терминалларининг қулайлик тарафларидан бири, бу фаолият жойидан узоқлашмаган ҳолда телефон тармоғи орқали инкассация қилиш, яъни савдо тушумларини банкдаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри тушириш имконини беради. Бу эса мижозларга вақтдан тежаш имкониятларини бермоқда.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида филиал томонидан 6 та инфокиоск ва 6 та банкомат ўрнатилган. Инфокиоскларда нафақат коммунал тўловлар ва барча турдаги алоқа хизматлари, пластик карточкаларга маблағларни юклаб олиш, ҳамда авторизациядан ўтказиш, шунингдек, карточкалар балансини кўриб чиқиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Инфокиоскалар банк хизматларининг мақбул доирасини тақдим этган ҳолда, мижозларни ўзига жалб этади ва чакана банк хизмати доирасида асосий кўмакчи сифатида намоён бўлмоқда.

Бундан ташқари аҳолига хизмат кўрсатиш сифат даражасини янада оширишда филиалга қарашли бўлган 7 та минибанк, 42 та жамғарма ва махсус кассаларга, 16 та Пайнет шохобчаларида ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилган. Ушбу минибанклар, жамғарма ва махсус кассалар аҳоли гавжум жойларда жойлашган бўлиб, пластик карточкалар барча турдаги тўловларни амалга ошириш имконини бермоқда.

«Асака» банк Тошкент шаҳар филиали томонидан Мустаҳкам оила йилида ёш оилаларни қўллаб – қувватлаш мақсадида уларга имтиёзли шартлар асосида 272 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари, 30 млн.сўм миқдорида истеъмол кредитлари, 45 млн.сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Тошкент шаҳар филиали Мустаҳкам оила йилида мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шу жумладан оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган.

**Б.ХОДЖАЕВ,**
**«Асака» банки**
**Тошкент шаҳар филиали**
**бошқарувчиси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


### *Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш учун ихтисослаштирилган Фондни ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон Қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида инвестицион лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

Ариза (намуна бўйича);

Инвестиция таклифи (намуна бўйича);

Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун:

Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08.

Web-site: www.ffpd.uz;

E-mail: pdf.fund@gmail.com.

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**

**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

*1-илова*

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун
БУЮРТМАНОМА

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
______________________________

2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳани тўлиқ номи)
______________________________
______________________________

3. ______________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- Инвестиция таклифи;
- Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________ / ______________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2- илова*

**Инвестиция таклифининг**
**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва хажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Базасида лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона(мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар хажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадкиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслари билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш – янги қурилиш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларини мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эхтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

*3- илова*

**Инвестиция таклифининг**
**ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | Қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |



**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**


Ҳамза тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2011 йил 21 декабрда № 002435 рақамда рўйхатдан ўтган, реестр рақами № 003746-07 бўлган Ҳамза тумани, Қурувчилар кўчаси, 38-уй, 24-хонадонда жойлашган "XURSHIDBEK Milliy TAOMLARI" МЧЖ (ИНН 302158710) тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Ҳамза тумани, Қурувчилар кўчаси, 38-уй, 24-хонадон манзили бўйича қабул қилинади.

Тел: 541-19-55.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети томонидан 2009 йил 11 июнда Абдураҳманов Шавкат Бойкулович номига берилган 202-рўйхат рақамли, В№ 360918 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

***Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштиришг мажмуаси уч кун давомида яна кураш мухлислари билан гавжум бўлди. Бу гал спорт комплексида самбо бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасида Осиё чемпионати беллашувлари ўтказилди.***

Спорт

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

Ушбу нуфузли турнирда йигирмадан ортиқ мамлакатдан 500 га яқин яккакураш устаси ғалаба учун кураш олиб борди.

Осиё чемпионатида мамлакатимиз самбочилари муваффақиятли қатнашишди. Жумладан, катталар ўртасида кечган баҳсларда 52 килограммлилар ўртасида Шавкат Жўраев, 90 килограммгача вазнда Эркин Дониёров, 100 килограммли полвонлар ўртасида Элдор Ғуломовлар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасини забт этишди.

Жанговар самбо бўйича 68 килограммгача вазнда Тимур Султонов, 74 килограммлар баҳсида Истам Қудратов, 100 килограммлилар вазн тоифасида Ислом Азимов ва Толмас Тўқлиев олтин медаллар соҳиблари бўлишди.

Хотин-қизлар ўртасида Шаҳло Йўлдошева, қизлар баҳсида Малика Мирзаева, Муниса Муродова, Гулноза Зияева ва Вероника Ковальцова, ёшлар ва ўсмирлар турнирида Жаҳонгир Рауфов, Давлат Ҳамроев, Нуриддин Тиллаволдиев, Камолиддин Расулов, Иззат Бекматов, Раҳмон Бойтўраевлар Осиё чемпионлари бўлишди.

Спортчиларимиз шунингдек, саккизта кумуш ва ўн иккита бронза медалларини ҳам қўлга киритишди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**СУРАТДА: турнирдан лавҳа**

**Алексей Попов олган сурат**

Тадбирлар

## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

***Замон талаблари асосида барпо этилаётган таълим масканлари, уларнинг зарур ўқув жиҳозлари ва техник ускуналар билан таъминланиши, яратилаётган янги ўқув стандартлари, дастур ва қўлланмалар, илғор педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилиши ёшлар камолоти йўлида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.***

Бугун юртимиз бўйлаб ёшлар онгига юртимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг туб моҳиятини сингдириш баробарида, уларга эртамиз эгалари сифатида ишонч билдирилмоқда.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ўтказилган анжуманда ҳам айни кунда ёшларга яратилган кенг имкониятлар хусусида сўз борди.

— Мазкур анжуманни ўтказишдан асосий мақсадимиз шуки, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Шуҳрат Байкулов, — мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш ва уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, мутахассислар томонидан мустақилликнинг буюк неъмат эканлиги атрофлича тушунтириб берилганлиги ёшларнинг маънавий дунёқарашини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўйлаймизки, ўтказилаётган бу каби анжуманлар ёшларнинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий онгини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, ташаббускор ва истеъдодли ёшлар ҳамиша изланишда бўлиб келган. Биз эса уларнинг Ватан равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлари келгусида ўз самарасини беришига ишонамиз.

**Ўткир МАҲКАМОВ,**
**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги матбуот котиби**

## ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Вақтини беҳуда сочиб-совурган киши бахтсиздир.**

* * *

**Ортиғини истаган боридан ҳам айрилади.**

* * *

**Ўзаро ишонч асосига қурилган дўстлик ҳам, муҳаббат ҳам мустаҳкам бўлади.**

* * *

**Қандай қилиб кунни кеч қилишни билмайдиган одам – бахтсиз одам.**

* * *

**Донолик ва башорат эгизак.**

* * *

**Кўнгил деганлари об-ҳаводай ўзгарувчан бўлади.**

* * *

**Ўзи бузилишга мойил бўлмаганни биров йўлдан уролмайди.**

* * *

**Қўли очиқнинг йўли очиқ.**

* * *

**Ўзида йўқ ўзгада ҳам бўлишини истамайди.**

* * *

**Тарих – ортингда, келажак – олдингда.**

* * *

**Ўзининг қўшиғи бўлмаган ўзганикини айтади-да.**

* * *

**Одам боласи ўз имкониятларини ҳамиша юқори баҳолайди.**

* * *

**Умид гоҳ ўчиб, гоҳ алангаланиб турадиган гулханга ўхшайди.**

* * *

**Фаросат илмини ўргатиб бўлмайди.**

* * *

**Қилдай гуноҳинг бир куни арқон бўлиб бўғади.**

* * *

**Гоҳ томчи дарёга айланади, гоҳ дарё томчига.**

* * *

**Кўнгил тортмаган иш унмайди.**

* * *

**Секин юрган от узоққа боради.**

* * *

**Бекорчининг ғами йўқ.**

* * *

**Дўппини олиб қўйиб, чуқур ўйлаб қараса, ҳамма нарсанинг адолат билан тақсимлангани маълум бўлади – фақат буни кўпчилик англаб етмайди.**

* * *

**Рағбат иштиёқ уйғотади.**

* * *

**Шубҳа юз бошли, минг тилли илонга ўхшайди.**

* * *

**Бўлмағур феъл-атвор аввало инсоннинг ўзини хароб қилади.**

* * *

**Ҳамма нарсадан шубҳаланадиган киши ўз ҳаётини ўзи заҳарлаб яшайди.**

* * *

**Иши битгандан умид қилма.**

* * *

**Кўнгил яқин бўлса, масофа писанд эмас.**

* * *

**Кимни иши кўрсатади, кимни сўзи.**

* * *

**Ёлғон ўзини ўзи фош қилади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### *Таъмирлаш муносабати билан*

«Тошкентшаҳаргаз» филиали шуни маълум қиладики, Яккасарой туманида жойлашган Бобур кўчаси бўйлаб газ қувурини таъмирлаш муносабати билан 2012 йил 14 июнь соат 22-00 дан 2012 йил 15 июнь соат 10-00 га қадар қуйидаги манзилларга газ бериш вақтинча тўхтатилади.

**Яккасарой тумани. Аҳоли бўйича:** Ҳ.Умаров кўч. 8,9-сонли, Бобур кўч. 1,2,3,4б корпус, 52,54,56-сонли турар жой уйлари, А.Қаҳҳор, «Дамариқ», «Шамс Кулол» маҳаллалари, Нукус кўч. Янги қурилган «Габус» турар жой биноси.

**Маиший корхоналар:** «Бошлиқ» турар жой даҳасида жойлашган «Султон» тўйхонаси, А.Қаҳҳор кўчасида жойлашган тўйхона, Бобур кўча, 69-уй манзилида жойлашган музқаймоқ цехи ва маиший корхоналар, «Олтин дон», «Барака олам» нон цехлари, Бобур кўчасидаги «Журавленок» мактабгача таълим муассасаси, Тўқимачилик комбинати ва «Тоштекстильмаш» заводи ҳудудида жойлашган маиший корхоналар, «Полимер» заводи ҳудудида жойлашган маиший корхоналар, «Абразив комбинати» ҳудудидаги фирмалар, МКАД (Ҳ.Умаров) кўчасида жойлашган кафе, 7 пр. А.Қаҳҳор кўчасида жойлашган »Эсонов»ХК, «ТОМЗ» заводи, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган «Дониёр фарм», «Садиков» ХК, А.Қаҳҳор кўчасида жойлашган «Харинг Сервис», «Караван» кафеси, «Доно Зебо» ОАЖ, «Гранд мебель» ОАЖ, Исроил элчихонаси.

**Миробод тумани. Аҳоли бўйича:** Авлиё ота кўчасида жойлашган 50-сонли турар жой биноси.

**Маиший корхоналар:** СПК, «Иттифоқ» фирмалари, «Караван», «Карат», «Бухоро», «Лабиҳовуз» кафелари, «Сурен» корейс маркази, «Авалон» фирмаси, «Рабус» меҳмонхонаси, Авлиё ота кўчасида жойлашган суд биноси ва ҳарбий госпитал.

**Авария ва бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида, газ бериш тўхтатилган давр мобайнида барча газ асбобларини ўчириб қўйишингизни сўраймиз.**

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касаба уюшмаси Тери ва таносил касалликлари кафедрасининг профессори, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби

**Радик Абдуллаевич КАПКАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

### *ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!*

Сиз ишда, хизмат сафарида, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда ёки кундалик ташвишлар билан бозорда юрган пайтингизда, хонадонингиз ва мулкингизнинг жиноий тажовузлардан ҳимояда бўлишини истайсизми?

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлимлари бу ишни амалга оширади!**

Улар Сиз раҳбарлик қилаётган корхонангизни ёки хонадонингизни тарифлар асосида қўриқлаш ускуналари билан жиҳозлаб, ишончли қўриқловни таъминлайди.

Ойлик тўлов ҳақи Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан тасдиқланган «Тариф» асосида тўланади.

Сиз ва яқинларингиз мулклари, ҳамиша бизнинг ҳимоямизда!

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**

| | |
|---|---|
| *Қўриқлаш бошқармаси:* | *233-37-83, 237-61-08* |
| *Шайхонтоҳур ҚБ:* | *242-41-12,242-41-24* |
| *Миробод ҚБ:* | *293-38-90, 283-43-59* |
| *Юнусобод ҚБ:* | *212-49-42, 212-49-37* |
| *М. Улуғбек ҚБ:* | *262-24-77, 262-04-60* |
| *Яккасарой ҚБ:* | *250-49-77, 250-90-22* |
| *Олмазор ҚБ:* | *246-79-96, 246-28-02* |
| *Учтепа ҚБ:* | *217-27-22, 275-69-62* |
| *Бектемир ҚБ:* | *295-06-02, 295-03-48, 295-03-47* |
| *Ҳамза ҚБ:* | *293-38-03, 150-78-71, 293-43-48* |
| *Чилонзор ҚБ:* | *216-00-70, 217-60-42* |
| *Сергели ҚБ:* | *258-08-67, 258-85-62* |

*Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?*

*Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?*

*Унда шошилиб таваккал қилманг.*

*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

*Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.*

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

*Лицензия: RR-0001*

***Давлатимизнинг келажаги ва тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши санъат соҳасида эришилаётган ютуқлар даражасига ҳам боғлиқ. Санъат тараққиёти миллий ўзига хосликни талаб этар экан, маънавиятнинг шаклланишига ҳам бевосита таъсир этади.***

Таълим

## САНЪАТГА ОШНО ТОЛИБИ ИЛМЛАР

Шу ўринда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг санъатимиз тараққиётида тутган ўрни беқиёсдир. Яқинда ўзининг 15 йиллик санасини нишонлаган бу олий ўқув юрти кафедраларида 20 га яқин мутахассислик бўйича таълим жараёни юритилмоқда. Институт ахборот хизматидан маълум қилишларича тасвирий санъат факультетида дастгоҳли рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, театр безак рангтасвири, кинофильм бадиий ечими йўналишларида олиб борилаётган машғулотларга кўплаб толиби илмлар жалб қилинган. Шунингдек, олий ўқув юртида ҳайкалтарошлик, санъатшунослик, музейшунosликдан ҳам сабоқ берилмоқда. Саноат дизайни, бадиий кулолчилик, интерьерни лойиҳалаш, меъморий ёдгорлик безагини таъмирлаш соҳалари бўйича пухта билим ва малака ҳосил қилиш мумкин. «Амалий санъат асарларини таъмирлаш» деган янги бўлимда эса таҳсил жараёни бошлаб юборилган.

Шуни фахр билан айтиш жоизки, институт битирувчилари нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, балки дунёдаги кўпгина мамлакатларда ҳам Ўзбекистон рассомчилик мактабининг танилишига ҳисса қўшиб келмоқдалар.

**Анвар ВАЛИЕВ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

UZHYMET

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***14 июнда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида* ***14 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9477 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5